



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Тошкент шаҳрида 2018 йил 27 март куни бўлиб ўтган Афғонистон буйича халқаро конференция давомида эришилган келишувларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси ушбу мамлакатдаги вазиятни барқарорлаштириш ва уни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қўмаклашишга қаратилган савий-ҳаракатларни давом эттирмоқда.

Ўзбекистон ўтган давр мобайнида Афғонистон ҳукумати, АҚШ, ХХР, Россия, Халқаро мулоқот гуруҳига аъзо мамлакатлар, Евроосиё минтақаси, Жанубий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ давлатлари вакиллари билан бу борада қатор маслаҳатлашув учрашувлари ва музокаралар ўтказди.

Таъкидлаш жоизки, Афғонистон буйича форум доирасида бир овоздан қабул қилинган, минтақавий ва глобал миқёсда тинчликка эришиш, терроризмга ва наркотик моддаларнинг ноқонуний айланishiга қарши курашиш, шуниингдек, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйишга қаратилган биргаликдаги савий-ҳаракатларни назарда тутувчи Тошкент декларацияси ушбу йўналишдаги ишларни амалга ошириш учун муҳим сиёсий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Тошкент конференцияси иштирокчиларининг умумий позициясини рўйбга чиқариш мақсадида Ўзбекистон тегизи алоқалар ўрнатиб, Толибон ҳаракатининг юқори мартабали вакиллари билан амалий учрашувлар ўтказди. Учрашувларда Афғонистонда узок муддатли тинчлик-барқарорлик ўрнатиш ва мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган мулоқот ва ўзаро ҳамкорлик истикболлари муҳокама қилинди.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Афғонистон ҳукумати ва Толибон ҳаракатининг Рамазон ҳайити нишонланиши муносабати билан ўзаро ўт очишни тўхтатиш тартибини жорий этганини олқишлайди. Ўзбекистон ушбу ярашув Афғонистон Президентини Ашраф Ғанининг ўт очишни тўхтатиш тартибини ўзайтириш тўғрисидаги қарорига амал қилган ҳолда муҳим тус олишига умид қилади.

Қарор топаётган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, шуниингдек, Ўзбекистон Республикасининг ташаббусига асосланиб, Ташқи ишлар вазирлиги тинчлик жараёнининг барча босқичларида Ўзбекистон ҳудудида Афғонистон ҳукумати ва Толибон ҳаракати ўртасида тўғридан-тўғри музокаралар ташкил этиш учун зарур шароитлар яратишга ҳар томонлама тайёр эканини тасдиқлайди.

Тошкент шаҳри,
2018 йил 18 июнь

НИЯТИМ АМАЛГА ОШГАНИДАН БАХТИЁРМАН



Нафосат
МУХИДДИНОВА,
Норин туманидаги
3-умумтаълим
мактаби ўқитувчиси,
ЎзХДП фаоли:

— ЎзХДПнинг энг фаол аёли — 2018 кўрик-танловнинг республика босқичида замонавий тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш лойиҳасини тақдим қилгандим. Лойиҳам туман ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланди. Маданият ва аҳоли дам олиш масканидан хона ажратиб берилди. Ишни йўлга қўйиш учун 17 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олишга ҳужжат тайёрладим.

Ўн нафар хотин-қизни устоз-шогирдлик асосида иш билан таъминлаш ниятидамиз. Буюртмалар асосида рўзгор буюмлари, аёллар учун мавсумий кийим-кечаклар, мактаб ўқувчилари учун форма тикишни режалаштиряпмиз.

Қизларимизга урма каштачиликни ўргатиш учун Тўрақўрғон туманидан тахриба ўрганиб келдим.

Агар «ЎзХДПнинг энг фаол аёли» кўрик-танлови бўлмаганида лойиҳам қоғозда қолиб кетиши мумкин эди. Ўзимга бўлган ишончимни мустақамлаб, режам амалга ошишга ҳар томонлама ёрдам берган партиямиз фаолларидан миннатдорман.

ДАВРА СУХБАТИ



ЭНГ КАТТА ВАЗИФА ИШОНЧНИ ОҚЛАШДИР

Тошкент шаҳри туманларида халқ депутатлари Кенгашлари ташкил этилганига ярим йил бўляпти...

Ўтган йили июль ойида Олий Мажлис палаталари ва сиёсий партиялар вакиллари билан ўтказилган видеоселектор йиғилишида мамлакатимизда демократик ислохотларни тубдан қучайтириш, давлат бошқарувида сиёсий партиялар ва халқ вакилларининг таъсир кучини ошириш билан боғлиқ долзарб масалалар ҳусусида танқидий фикрлар билдирилган, қўлаб тақлиф ҳамда ташаббуслар илгари сурилган эди. Хусусан, Тошкент шаҳри туманларида халқ депутатлари Кенгашларини ташкил этиш ишлари бошлангани, сайлов жараёнидан тўғри бора масалаларда пойтахтдаги маҳаллий Кенгашлар фаолияти ҳар томонлама намуна бўлиши кераклиги алоҳида таъкидланган эди.

Ана шу ташаббус асосида ўтган йили 24-декабрь куни Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов

ўтказилган, унинг якуний натижаларига кўра, Ўзбекистон Халқ демократик партияси жами 50 депутатлик ўрнини қўлга киритган, партия гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган эди. Мана, сайловдан кейин қарийб ярим йил вақт ўтди. Шу муддат ичида депутатлар фаолияти қандай йўлга қўйилди, нима ишлар қилишга улгурилди? Туман Кенгашлари фаолияти самарадорлигини ошириш буйича қандай тақлифлар бор?..

Шу каби саволларга жавоб олиш учун Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига Ўзбекистон ХДПдан сайланган депутатлардан бир гуруҳини тахриратимизга тақлиф этиб, давра суҳбати ўтказдик.

► Давоми 2-бетда.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

МУРУВВАТЛИ БЎЛИШ БУРЧИМИЗ

Ўзбекистон ХДП Бухоро вилоят кенгаши томонидан «Ҳар бир инсонга меҳр-мурувват кўрсатиш бурчимиз!» шиори остида хайрия тадбирлари ўтказилмоқда.

Дастлаб вилоят партия кенгашининг ишчи гуруҳи Саҳоват, Мурувват ва Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатларининг моддий техник базасини ўргандилар. Жумладан, Бухоро шаҳридаги ногирон аёллар учун Мурувват ва интернат уйидаги шарт-шароит билан яқиндан танишилди. Муассасада 151 нафар хизматчи ходим 255 нафар хотин-қизга хизмат кўрсатаркан.

Бухоро шаҳридаги эҳтиёжманд оилалар ҳолидан ҳам хабар олинди. Саломат Жумабоева ногиронлиги бор

икки фарзанди билан бирга яшар экан, турмуш ўртоғи вафот этган. Саломат опанинг бир нафар фарзанди Мурувват уйига жойлаштирилган бўлди.

— «Коинот» кўчасида куёвимнинг уйида ашайман, — дейди **ногиронлиги бўлган Мавлуда Авезова**. — Айни чоғда уй-жойга муҳтожман. Бу ҳақда депутатларга ҳам айтганман. Уларнинг савий-ҳаракатлари билан шаҳар ҳокимлиги томонидан уй-жойга муҳтожлар рўйхатида киритилди.

Бухоро шаҳрида истиқомат қилаётган

ногиронлиги бўлган Раъно Фармонова, Татьяна Горсеева, Дилфуза Рамазонова, Солиҳа Юсуповаларга ногиронлик аравачалари топширилди.

Жисмоний имконияти чекланган болалар ҳам партия фаоллари диққат марказида бўлди.


— Фарзандим болалигидан ногирон, — дейди **Лайло Икромов**. — Ҳозир у 12 ёшда. Партия фаоллари йўқлаб келишганидан кўнглимиз кўтарилди. Айниқса, доим ғамгин юрадиган қизим Жаминанинг чехрасидаги табассумни кўриб хурсанд бўлдим. Унга ўйинчоқлар совға қилишди. Бир чимдим меҳр кўнгилни яшнади, деганлари рост экан.

Шахло БАҚОЕВА

ОБОДЛИК

БУНЁДКОР ВА ЧЎПОНОТА КЎЧАЛАРИ КЕСИШМАСИДА

яқин кунларда яна бир замонавий кўприк фойдаланишга топширилади



Янги кўприкнинг умумий узунлиги 676 метр, шундан эстакада қисми 488,5 метр, баландлиги 8 метр, кенлиги эса 24,5 метрга тенгдир, — дейди **участка бошлиги Бунёд Каримов**. — Шунингдек, бу ерда 124 метрлик иккита пиёдалар ўтиш кўприги ҳам қуриляпти. Ногирон, кекса ва ёш болали оналарга қулайлик яратиш мақсадида уларда махсус лифт, эскалатор ўрнатилмоқда. Бу ерда 300 нафардан зиёд ишчи, муҳандис-техник ходим 2 сменада меҳнат қилмоқда.

3

МУНОСАБАТ

ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИГА БЕШИК БЎЛГАН ЮРТ

Ўзбекистонда сўнгги икки йилда жуда кўплаб соҳалар каби диний-маърифий йўналишда ҳам амалга оширилаётган улкан ишлар юртдошларимизнинг чексиз миннатдорликларига сабаб бўлиб, қалбларида чуқур из қолдирмоқда. Қуръони Карим мусобақасининг ўтказилганлиги, Имом Бухорий, Имом Термизий номлари билан боғлиқ халқаро илмий тадқиқот марказлари, ақиди, фикҳ, ҳадис, калом, тасаввуф илмий мактабларининг ташкил этилгани, Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг тузилиши, қўйингки, «жаҳолатга қарши маърифат» билан тизимли равишда олиб борилаётган хайрли амаллар давлатимиз ривожланишининг янги босқичи даврида халқимиз учун илм-маърифат эшикларини янада кенг очмоқда.

Айниқса, Ийд ал фитр — Рамазон ҳайити куни Ҳастимом даҳасида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон ислом цивилизация марказига тамал тошининг қўйилгани халқимиз томонидан мамнуният билан кутиб олинди. Авваламбор, мусулмонларнинг энг улуғ байрами бўлган Ҳайит ва кунларнинг улуғи саналган Жума куни ҳар бир диндоримиз томонидан юксак қадрланади. Исло динига оид муътабар манбаларда бу кунлар хосиятли ҳисобланиб, тарихдаги улкан янгиликлар ҳам шу кунларга тўғри келиши бежиз эмас. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Ислам цивилизация марказининг биринчи асосининг шу кунда қўйилишида ҳам катта ҳикмат борлигини англаш мумкин. Ушбу маърифат маркази аввало чин ихлос ва самимий эътиқод натижасида бунёд этилаётганини таъкидлаш зарур. Чунки шонли ўтмишимизда бундай улуғ ишларга фақатгина улкан қалб эгаларигина сазовор бўлганлар.

Бунёд этилаётган ушбу марказ Ўзбекистоннинг буюк ўтмиши намуналарини ўзида ҳам эътиш билан бир қаторда том маънода маънавият ва маърифат маскани бўлиб қолади. Чунки бу ерда минг йиллар мобайнида ажодларимиз томонидан ёзиб қолдирилган бебаҳо илмий мерос тадқиқ этилади, халқимизга зарур адибиётлар яратилади, устоз-шогирд анъанаси асосида ёшларга илму маърифат етказилади, улкан кутубхона, қироатхона тузилади. Бир сўз билан айтганда, бу ерда шавкатли тарих, буюк келажакни жамлаб, илм ўчоғининг чин маънодаги марказига айланади.

Табиики, ушбу ишлар дунё кенг жамоатчилигининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Жумладан, Саудия Арабистони, Туркия, АҚШ ва бир қатор давлатларнинг раҳбар ва етакчи мутахассислари Президентимиз томонидан амалга оширилаётган ушбу ишларни юқори баҳоламоқдалар.

Мазлумки, минтақамиз ўрта асрлар дунё илму фани ривожига улкан ҳисса қўшган. Хали хануз жаҳон илмий жамоатчилиги Беруний, Хоразмий, Бухорий, Самарқандий, Шоший каби улуғ алломуларимиз номини юксак эҳтиром билан тилга оладилар. Дарҳақиқат, ер юзининг сайқали саналган Самарқанд, ислом динининг қуввати бўлган Бухоро, ислом гумбази дея эътироф этилган Шаҳрисабз ҳамда Насаф, Марғилон, Косон ва бошқа бир қатор шаҳарларимиз илм марказлари сифатида шуҳрат қозонган. Шу сабабли қўлаб мамлакатлар олимлари каби XV асрнинг машҳур мусулмон олими Ибн Халдун ҳам муқаддас диёримизни юксак маданиятга эга ҳамда ислом маданиятининг янада юқори чўққига олиб чиққан юрт деб тилга олади. Фан, таълим, маданият масалалари буйича Ислам ташкилоти — ISECO бош директори Абдулазиз ат-Тувайжирий ҳам жорий йилнинг август ойида Ўзбекистонга ташрифи асносида мамлакатимизнинг ислом цивилизацияси ривожидидаги ролига алоҳида урғу бериб, Ислам дини Арабистонда вужудга келган бўлса ҳам, бироқ унинг ривожини бошқа диёрларда, жумладан, Мовароуннаҳрда кечганини таъкидлади ҳамда юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий каби алломуларнинг хизматларини алоҳида эътироф этиб ўтди.

Бугун Ўзбекистонда ислом дини қадриятларига эътибор тобора ортиб бораётгани, бунда, айниқса, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев томонидан буюк алломуларимиз ва уларнинг илмий меросларига, ислом маданиятининг бебаҳо намуналарига алоҳида аҳамият кўрсатилиб, ёшларни ушбу бебаҳо ҳикматлар асосида тарбиялашга катта эътибор берилаётгани юртдошларимизда самимий мамнуният ҳиссини уйғотмоқда. Халқимиз қониди оқаётган маърифатпарварлик, тинчликпарварлик, чин инсоний фазилатлар ота-боболардан меросдир. Улуғ ажодларимиз дунёга эзгулик, одамийлик, бағрикенглик уруғини эккан, қўлида қалам билан жаҳонни забт этгандир, иншооллоҳ келажакимиз буюклиги ҳам маърифат биландир. Зеро, Имом Бухорий бобомиз айтганларидек, «Наҳот фақат илм биландир». Шундай экан, бизнинг ёруғ йўлимиз ҳам аниқ ва биз бу йўлда илм билан олдинга интилиб бораверамиз.

Давронбек МАҚСУДОВ,
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислам цивилизациясини ўрганиш ISECO
кафедраси мудири, тарих фанлари номзоиди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2018 йил 19 июндан бошлаб валюта операциялари буйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шуниингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:*)

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

1 АҚШ
доллари
7883,99

1 Англия фунт
стерлинги
10472,30

1 Жанубий
Корея вони
7,15

1 Канада
доллари
5973,17

1 Швейцария
франки
7904,54

1 Миср фунти
442,92

1 ЕВРО
9150,95

1 Россия
рубли
124,89

1 Япония
иенаси
71,25

1 Хитой
юани
1224,62

1 БАА дирҳами
2146,59

1 Австралия
доллари
5865,69

ҲУҚУҚИНИ БИЛГАН АДАШМАЙДИ

Акс ҳолда
жиноятга қўл
урганини билмай
қолади

Бугун мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг барчаси фуқаролар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган. Фуқаролар ҳуқуқлари ҳимояси жамиятда ҳуқуқий маданият қанчалик юксалганига боғлиқ. Бошқача айтганда, оддий фуқародан тортиб мансабдор шахсгача қонунни яхши билса, уни ҳурмат қилса, ўз ҳуқуқи ва бурчини чуқур англаса, ҳеч кимнинг ҳуқуқлари бузилмайди, жиноятларнинг олди олинади. Мавжуд муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан маҳаллаларда сайёр суд ҳамда сайёр учрашувлар ўтказилмоқда. Бундан мақсад — фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, жиноят ёқасига келиб қолганларни шу жиноятдан оғохлантириш ва жиноятнинг олдини олишдир. Бугун бу сайёр учрашувлар натижасида аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги бирмунча ўсгани сезилмоқда.

Қурилатган жиноят ишлари таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, давлат мулкни талон-торож қилиш жинояти кундан кунга кўпаймоқда. Албатта, бугун давлатимиз томонидан тадбиркорларга катта йўл очиб берилган. Иқтисодиётимиз ривожланиши, аҳоли фаровонлиги йўлида яратилаётган имкониятлардан кингир мақсадларда фойдаланмоқчи бўлганлар учраб турибди. Бундай устаси фаранглар ўзлари панада туради, бошқаларни жиноятчига айлантириб, қонун олдида жавоб беришга мажбур қилиб қўймоқда.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани суди томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши курашиш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқий масалалари юзасидан муаммоларни тизимли ҳал этиш ва аҳолининг ҳуқуқий онгини доимий ошириб бориш мақсадида «Менинг маҳаллам» менинг судьям» гояси асосида ҳам маҳаллаларда сайёр суд учрашувлари ташкил этилмоқда. Бу учрашувларда маҳалла аҳолиси билан судьялар ўртасида очик мулоқотлар ҳар ойда камидан икки марта ташкил этилмоқда.

Масалан, сайёр суд мажлисида иши қўрилган Даврон Каримов ҳам ҳуқуқий билими йўқлиги, ўз ҳуқуқларини билмагани сабаб ана шундай сохта тадбиркорлик билан шугулланиб, давлат мулкни талон-торож қилган шахсларнинг таъсирига тушиб, ўзи билмаган ҳолда жиноятчига айланди. Судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкни ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, пул маблағлари ва бошқа мол-мулкни жалб этишга доир қонуннинг фаолият, хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни, автомобилтранспорт воситаларининг ва улар тиркачаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш, уларга шикаст етказиш ёки уларни яшириш ҳамда хужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбақлаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланиш каби моддалари билан жиноят иши очилган. Суд ишни ўрганиш давомида Даврон Каримовнинг аслида фирма ишларига умуман аралашмагани, бироқ барча хужжатларга имзо чекиб, биргина имзосининг орқасидан ойлик маош олганини аниқлади.

У ҳуқуқий билими йўқлиги натижасида биргина имзо орқасидан келган текин маош суд курсигача етаклаб келишини хаёлига ҳам келтирмагани. Бироқ шундай бўлди. Даврон Каримовнинг имзоси билан иш юритиб, давлат пулларини талон-торож қилган шахслар эса жавобгарликка тортилмади. Жавобгарлик ва давлат ҳисобига ундирилиши керак бўлган пул эса Д.Каримовнинг зиммасига юклатилди. Чунки ҳамма имзолар унга тегишли. Аслида у нимага имзо қўётганини ҳам англаб етмаган. Ҳатто шундай ҳолат бўлгани, бир нечта оқ қозога имзо қўйиб олишган. Д.Каримов нимага имзо қўётгани билан қизиқмаган.

Аҳоли билан сайёр суд учрашувларида биз ана шундай жиноятлар бўлмаслиги учун ҳаётий мисоллар билан тушунтиришлар олиб бораемиз. Тажрибадан маълумки, жиноят содир этган кишини топиб, тергов қилиб, судлаб жиноий жавобгарликка тортишдан, уни маҳкумликда ушлаб туришдан кўра, жиноятнинг олдини олиш кўп қарра осон ва ҳар томонлама фойдаланиш.

Сайёр суд мажлислари, судьяларнинг аҳоли билан учрашувидан асосий мақсад эса фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш орқали содир этилиши мумкин бўлган жиноятларнинг олдини олишдир. Шу боис мазкур йўналишдаги ишларимизни янада қучайтиришимиз лозим, деб ҳисоблайман.

Ёқутхон ҲАЙДАРОВА,
Жиноят ишлари бўйича
Мирзо Улуғбек туман суди раиси.

СУВ — МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИ УЧУН

муҳим стратегик ресурсдир

Марказий Осиё ҳудудида жойлашган Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон республикаларининг умумий ер майдони 3.882000 км² бўлиб, уларда аҳоли сони 60 миллион кишидан ортиқ. Минтақанинг 30 фоизига яқин ҳудуди баланд ва ўртача баландликдаги тоғлардан иборат бўлиб, сув билан таъминланганлик даражаси яхши. Қолган 70 фоиз ҳудуди текислик ва паст тоғлардан ташкил топган чўл ва чалачўл ҳудудларига сув йирик транзит дарёлар орқалигина келади.

Орол денгизи ҳавзасига кирувчи бу ҳудудда жами дарёларнинг умумий сув ҳажми 116 км³ ни ташкил қилади. Шундан 79,4 км³ Амударёга ва 36,6 км³ сув Сирдарёга тўғри келади. Бу кўп йиллик ўртача кўрсаткич бўлиб, сернам ва қургокчилик йилларида дарёларда сув миқдори кескин ўзгариб туради. Масалан, Амударёда сернам йиллари 109,9 км³ гача сув тўплангани ва қургокчилик йиллари 58,6 км³ га қамаяди. Сирдарёнинг сув миқдори шунга ўхшаш сернам йиллари 51,1 км³, қургокчилик йиллари 23,6 км³ гача ўзгаради. Рақамлардан кўриниб турибдики, қургокчилик йиллари ўртача кўп йиллик миқдорида нисбатдан сув 30 фоизгача қамаяди.

Марказий Осиё давлатлари ўртасида сув тақсими ўртача кўп йиллик сув миқдорида нисбатан амалга оширилади. Табиийки сув кам бўлган йилларда сув тақсими мавжуд сув миқдорида нисбатан бўлинади.

Дарё сувларидан оқилонга фойдаланиш мақсадида, яъни қиш ойларида сувни тўплаш ва ёз ойларида улардан сугоришда фойдаланиш учун Орол денгизи ҳавзасида 100 дан ортиқ турли катталиқдаги сув омборлари қурилган. Шулардан 55 таси Ўзбекистон Республикасида жойлашган. Сув омборлари сугоришда сув таъминотини яхшилашда катта ёрдам бермоқда. Бундан ташқари, сув омборлари балқичиликни ривожланишда, рекреация масканларини ташкил қилишда ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Ўзбекистоннинг ички дарёлари ўртача кўп йиллик сув ресурслари йилга 11,5 км³ ни ёки сув эҳтиёжи умумий миқдорининг 18 фоизини ташкил қилади. Республикамиз сув эҳтиёжининг 82 фоизига яқини кўп йиллик давлатлардан келадиган Амударё ва Сирдарё ресурслари ҳисобидан олинади. Бу бир йилда 63,02 км³ ни ташкил қилади.

Ушбу сувнинг 85 фоизга яқини сугорма деҳқончиликда ишлатилади. Дарёлардан қанчалар орқали экин далааларига боргунча 40-70 фоиз сув ерга сингши ва буғланиш тўғрисида йўқотилади.

ОБОДЛИК

Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида

яқин кунларда яна бир замонавий кўприк фойдаланишга топширилади



Азалдан халқимиз йўл қурган, сув чиқарган, кўприк қурган кишиларни савобли қасб эгалари деб бежизга айтишмаган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26 сентябрдаги фармойишига мувофиқ ўтган йил декабрь ойида Тошкент шаҳрининг Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида замонавий кўприк қурилиши бошланган эди.

Қурилиш ишларини «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли бош пудратчи «Кўприк қурилиш трест» унитар корхонасининг «67-кўприк қурилиш отряди» бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Иншоотни лойиҳалаштириш ишлари эса «Боштранслайх» институти томонидан босқимча-босқим олиб боришмоқда.

— Янги кўприкнинг умумий узунлиги 676 метр, шундан эстакада қисми 488,5 метр, баландлиги 8 метр, кенлиги эса 24,5 метрга тенгдир. — дейди участка бошлиғи Бунёд Каримов. — Шунингдек, бу ерда 124 метрлик иккита пидедалар

Мутахассислар фикрича, турли истеъмолчилар ва фойдаланувчилардан қайтган сувнинг умумий миқдори йилига 28,3 км³ дан иборат. Бу миқдор жами ишлатиладиган тоза сувнинг 30 фоиздан ортигини ташкил қилади. Катта миқдордаги сув коллектор, зовурлар орқали табиий чуқурликда тўпланмоқда.

Яқин ва узоқ келажақда ҳам Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ривожланиши ва аҳоли саломатлиги сув таъминоти билан безовита боғлиқ бўлиб қолади.

Мутахассислар фикрича, иқлим ўзгариши дунёнинг бошқа минтақалари қаторида Марказий Осиёда ҳам аниқ сезилмоқда. Ўзбекистон гидрометеорологлари фикрича, кейинги юз йил ичида ҳавонинг ўртача ҳарорати 1° дан ошган, яъни 1° исиган. Қозоғистонлик иқлим-шунос-мутахассислар ҳисоби бўйича ўртача йиллик ҳарорат 1,4° ошган, ёғин миқдори 17 мм қамаяган. Уларнинг фикрича, Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам ҳаво ҳарорати кўтарилиши ва ёғин миқдорида қамайиши шу миқдорларда кузатишмоқда.

Мутахассис олимларнинг ҳисоблари бўйича Марказий Осиёда 2100 йилга қадар ҳаво ҳарорати 2° дан 7° (С) га қадар ошиши ва ёғин миқдори 8-17 фоиз қамайиши тахмин қилинмоқда. Глобал иқлим ўзгариши натижасида 2050 йилларда Сирдарё ҳавзасида оқим ҳажми 6-10 фоиз, Амударё ҳавзасида 10-15 фоиз қамайиши мумкин. Аҳолининг жон бошига сув билан таъминланганлик бир йилга Ўзбекистонда 1646 м³ ни ташкил қилади. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни келтирамиз: аҳолини жон бошига бир йилда сув билан таъминланганлик Осиё

материғида 5600 м³ ни, дунё бўйича ўртача 5996 м³ ни ташкил қилади. Бу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, Ўзбекистонда сув билан аҳоли жон бошига таъминланганлик дунё кўрсаткичидан 3,5 баравар паст.

Келажақда мамлакатимизнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондириб бориш ва аҳолини сифатли ичимлик сув билан таъминлаш учун ҳозирдан сувдан оқилонга фойдаланиш, ифлосланган оқова сувларни тозаллаб қайта ишлатиш бўйича ривожланган давлатлар тажрибасини амалиётда қўллаш бўйича комплекс тадбирларни амалга ошириш зарур.

Биринчидан, сугоришда сувдан фойдаланиш коэффициентини 90-95 фоизга етказиш керак. Ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 65-70 фоизини ташкил қилади. Жуда катта миқдордаги сув сингши, буғланиш ҳамда ортиқча сув сарфи орқали йўқотилади.

Иккинчидан, сугоришда илгор технологиялардан фойдаланиш (бетон ариқлар, эгилувчан шланглардан, томчилаб сугориш ва бошқа). Томчилаб сугориш технологияси, мутахассислар фикрича, жўяк ёки бостириб сугоришга нисбатан сувни 2,-3,0 баравар тежайди. Буни кенг жорий қилиш рельефи нотекис ерларни ўзлаштириш имкониятини кенгайтиради, тупроқнинг ювилиш ва қайта шўрланиши кескин қамаяди.

Учинчидан, мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларида мингдан ортиқ кичик дарёлар бўлиб, уларда сув ҳажми 20 миллион м³ни ташкил этади. Бу сувлардан унумли фойдаланиш мақсадида сув омборлари қуриш зарур. Тоғли ҳудудларда сув омбори қуриш учун тор водийли сойларнинг қулай жойлари танланиши лозим. Сув юзаси кичик сув ҳавзаларида сувнинг буғланиш ҳисобига йўқотиладиган сувлар қамаяди. Сув омборларини қуриш билан томчилаб сугориш технологияси асосида тоғларда ва тоғ олди текисликларида минглаб гектар ерларда меваги боғлар, узумзорлар ташкил қилиш имкониятлари кенгайди.

Тўртинчидан, табиий чуқурликларда тўпланган катта миқдордаги шўр сувларни (Айдар-Арнасой кўллари тизими, Денгизкўл, Сарикамиш, Шўркўл, Қорақир ва бошқалар) тозаллаб улардан деҳқончиликда фойдаланиш чораларини қуриш керак. Ҳозир кўп давлатларда денгиз суви чуқуқлаштирилиб аҳоли томонидан истеъмол қилинмоқда. Саудия

Арабистони, Қувайт, Бирлашган Араб Амириклар, Қатар, Кипр, Италия ва бошқалар) Исроилда 86 фоиз оқова сувлар тозаланиб, қайта ишланиб қишлоқ хўжалик экинларини сугоришда фойдаланилади. Испанияда оқова сувларни 17 фоизи тозаланиб, экинларни сугоришда ишлатилади. Исроил давлатида бир м³ денгиз сувини чуқуқ сувга айлантириш 5 центни ташкил қилади. Агар шўр кўлларидаги сув тозаланиб, сугоришга ишлатилса, кўллари атрофидаги минглаб гектар ерлар ўзлаштирилган бўлар эди.


Бешинчидан, ер ости сувлари сув захираларининг асосий қисmini ташкил қилади. Келажақда ер ости сувларидан ичимлик суви ва сугориш мақсадларида фойдаланиш кўпаяди. Ер ости сувларини ер юзига тортиб чиқариш электр энергия билан боғлиқ. Давлат электр энергия тармоқлари етиб бормаган жойларда муқобил электр энергия олинандиган манбалардан, яъни қуёш ва шамол энергияларидан фойдаланиш мумкин. Серқуёш мамлакатимизда 1м² катталиқдаги қуёш панели йил давомида ўртача соатига 1кВт электр энергия беради. Худди, шунингдек, чўл ҳудудларида шамол энергияларидан ҳам фойдаланса бўлади. Шамол тезлиги 3,0 м/сек.дан бошлаб самарали электр энергия бера бошлайди. Республикаимизнинг 70-75 фоиз ҳудудларида шамолнинг ўртача тезлиги 3,0-4,0 м/сек.дан ошадди. Текислик чўл ҳудудларида шамол тезлиги янада катта. Шамол қурилмалари ва қуёш батареялари ёнма-ён қурилса, улар бир-бирини тўлдирди ва иккита муқобил манбалардан олинандиган электр энергия билан ер тағидан катта миқдорда сув тортиб ола билади. Шу йўл билан яъни ер ости сувларини ер юзига чиқариш орқали минглаб гектар ерларни ўзлаштириш, сугорма деҳқончиликни, парник хўжалиқларини ривожлантириш мақсада мувофиқдир.

Ҳозирги глобал иқлим ўзгариши аниқ сезилаётган даврда мамлакатимиз иқтисодиётининг жадал ривожланиши, тез ўсётган кўп миллионли аҳолининг саломатлиги сув ресурсларидан оқилонга фойдаланиш билан чамбарчас боғлиқ. Буни унутмаслик лозим.

Орзимурод РАХМАТУЛЛАЕВ,
Субхон АББОСОВ,
Самарқанд давлат университети
профессорлари.

— Мен узоқ йиллардан буён кўприк қурилиш соҳасида меҳнат қилмоқдаман. Кўплаб шогирдларни тайёрладим. Насиб этса пенсияга чиқишимга ҳам оз қолди. — дейди қурилиш-монтаж ишлари бригадари Юлбарс Маллаев. — Шукурлар бўлсинки, ушбу касбим тўғрисида ҳам бўлмадим. Шаҳримизнинг кўрunga-кўр қўшаётган бу кўприклар қурилишларида иштирок этганим билан фархланаман.

Ушбу кўприк июнь ойининг охиригача фойдаланишга топширилиши мўлжалланган.



Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Савкар ШОТЎЛМАНОВ оғлан бўлган.

МУЛОҲАЗА

ФАРЗАНДИНГИЗ ҚАНДАЙ КИТОБ ЎҚИЯПТИ?

Дарс бошланишидан олдин ўқувчининг қўлидаги китоб эътиборини тортиб, дастлаб бундан қувонган бўлсам, кейин ўйлаб қолдим. Чунки мурола қилинаётган китоб унинг ёшига тўғри келмас эди.

Эртаси куни у билан суҳбатлашганимда, баъзи бир саволларга жавоб топгандай бўлдим. Унинг ота-онаси китобга жуда қизиқшаркан, шахарга ҳар гал чиқишганида, албатта ҳар хил бадий китоблар олиб келишаркан. Ҳозир оиланинг ўз кутубхонаси бор экан. Бу яхши албатта. Лекин ота-онанинг болага қандай китоб ўқишни тавсия қилиши муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда айбни фақат ота-она ёки ўқувчига тақамасдан, бу борада биз педагогларнинг ҳам камчилигимиз борлигини тан олишимиз керак. Бу қандай камчилик, дейишингиз табиий. Таълим даргоҳларида дарс бераётган ўқитувчилар, айниқса, адабиёт фани муаллимлари қандай китоб ўқиш, қандай китоб сотиб олиш бўйича ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига тавсиялар бериб борса, яхши бўларди, деб ўйлайман.



Тиббиёт ходимларининг айтишига қараганда, ёшига тўғри келмайдиган китоб ўқиш болаларда руҳий зуриқчи, ёшига номуносиб турли қизиқишларни келтириб чиқарар экан. Шунинг учун бола ўқитган китобга бефарқ бўлиш ота-она ва педагогларга бошқа муаммоларни келтириб чиқариши мумкин.

Ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини шакллантириш энг аввало, биз ўқитувчиларнинг бош вазифамиздир. Лекин савияси паст китоб ўқиш ўқувчи тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Буни барча ота-оналар билиши лозим, деб ўйлайман. Фарзандига китоб олиб беришда аввало муаллим, қолаверса психолог билан маслаҳатлашилса, мақсадга мувофиқ бўлади.


Халқимиз азал-азалдан китобга меҳр қўйган. Китобни табаррук ҳисоблаган. Шунинг учун ҳар бир ота-она боласининг китобхон бўлишини истади. Ўғил-қизларимиз ёшига муносиб китоб ўқиши жуда муҳим. Бу борада, айниқса, болалар ўқийдиган китобларда имло хато бўлмаслиги, сифатличилиги, безаги муҳим ўрин тутишини унутмаслигимиз керак. Мафкураси бўш, миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган, ёвузлик, жангарилик ва бошқа иллатлар акс этган китоблардан болаларимизни ҳимоя қилиш масаласи тобора долзарблик касб этмоқда.

Ёзи таътил пайтида ўқувчилар нафақат дам олиши, балки, турли бадий китоблар ўқиши ҳам табиий. Бу ўринда ҳам ўқувчига ўқитувчи ёрдамга келиши керак. Она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси таътилда ўқувчилар ўқиши зарур бўлган адабиётлар рўйхатини тузиб, уни ҳар бир болага бериши, қайси китобни кутубхонадан, бошқасини китоб дўконларидан олиши борасида тегишли маслаҳат ва ёрдам бериши лозим. Ота-оналарга ҳам болалар китобхонлиги борасида тегишли тавсиялар бериш яхши натижаларга олиб келади.

Ҳар бир ота-она фарзандининг қандай китоб ўқишига бефарқ қарамаслиги керак. Яхши китоб инсонни тарбиялайди, ёмон китоб инсонни боши берк кўча томон етаклайди.

Йўлдошбой ҚУРБОНБОЕВ,
Ҳазорасп тумани, Питнак шаҳридаги
17-ўрта мактаб ўқитувчиси.

МЕДИА-ТУР



ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ: ТЕЗКОР, ҚУЛАЙ, ШАФФОФ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини янада кенг тарғиб қилиш ҳамда кенг оммани тизимда эътиборга ўзгартириш ва янгиланишлар билан яқиндан таништириш мақсадида Президент Девонининг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг муносабатлари билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш хизмати, Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган медиа-тур наманганлик журналистлар учун гаят қизиқарли кечди.

Иштирокчилар даставвал Наманган шаҳридаги Давлат хизматлари марказида бўлиб, бу ерда фуқаролар учун яратилган шарт-шароитлар ҳамда кўрсатилаётган давлат хизмати турлари ва хизмат кўрсатиш жараёнлари билан танишдилар.

Замонавий услубларда жиҳозланган совутиш ва иситиш мосламалари ишлаб турган чарогон залга кириваришдаёқ сизга хизматчи йигитлар — операторлар пешвоз чиқади. Улар мақсадингизни билгач, 84 турдаги хизматлар қаторидан сиз боришингиз керак бўлган қабинани аниқлаш учун компьютерга мақсадингизни билдириш учун таклиф этадилар. Компьютерлаштирилган бу хизматдан фойдаланиш кўникмасига эга бўлмасангиз ҳам сира ҳижолатда қолмайсиз.

Ҳушёр хизматчилар ёрдамга

келишади. Сиз боришингиз керак бўлган қабина бўшми ёки навбатда турганлар борми, буни рўпарадаги мониторга қараб биласиз. Лозим бўлса кутасиз. Қўлингизда ёш болангиз билан келган мидингиз, хизматчилар сизни болалар майдончасига қузатиб борадилар. Махсус майдончада болажонингиз учун деярли барча шароит мўҳайё.

Балки кутишингизга тўғри келар. Диққат бўлиб қолмаслигингиз учун ҳуқуқий маслаҳат бурчагидида тавсия-қўлланмалардан фойдаланишингиз мумкин. Замонавий чойхонада тамадди қилишингиз учун ҳам имкон яратиб қўйилган.

Вилоят Давлат хизматлари бошқармаси бошлиғи Дилмурод Исмоилов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги вакили Севара Зокирова, Халқ қабулхонаси вилоят бўлими раҳбари вазифасини бажарувчи Неъматилла Абдуллаев медиа-тур иштирокчиларини фуқароларнинг муносабатларига мувофиқ давлат хизмати кўрсатиш турлари ва жараёнлари билан таништиради.

Марказдаги жараёнлар механизми ўзига хос тартибга солинганлиги, бу ерда таниш-билишчилик, кутаётган киши қилиб, ҳозиргина келган кишини қабул қилиш ҳолатларига йўл қўйилмайди, бунинг иложи ҳам йўқ.

Жараёнларни кузатаркансиз, давлат хизматлари кўрсатиш марказида нафақат хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилигига, балки муносабат

этувчи фуқароларда хизматдан фойдаланиш маданиятининг ҳам шаклланиётганига гувоҳ бўласиз.

Марказда май ойида 53 турдаги хизматлар кўрсатилган бўлса, 1 июндан бошлаб, суғурта, нотариус, ФХДБ билан боғлиқ масалалар каби яна 31 турдаги давлат хизматлари кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ҳайдовчилик гувоҳномасини янгилаш учун фуқаро олдинлари 30 кунгача вақт ва сарсонгарчиликларни бошидан кечирган бўлса, бу масала Давлат хизматлари кўрсатиш марказида атиги уч дақиқада ечилади.

Яқинда марказга қиймати 32 минг евро бўлган кўча мобил қурилма келтирилди. Мамлакат бўйича Намангандагина мавжуд бўлган бу аппарат биометрик паспорт алмаштиришни марказнинг ўзида туриб эмас, чекка қишлоқ жойларига бориб ҳам ҳал қилиш имконини беради.

Тошкент давлат юридик университетда ўқувчи абитуриентларнинг ҳужжатлари бизнинг марказимизда қабул қилинадиган бўлди. Бу йил таъриб тарихида фақат юридик университет абитуриентларига хизмат кўрсатилади. Кейинги йилдан мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртларига ҳужжатлар айланиб Наманган вилоят Давлат хизматлари кўрсатиш марказида қабул қилиниши режалаштирилмоқда, — дейди марказ матбуот котиби Ойдина Эсопаева.

Фуқароларнинг вақт ва молиявий харажатларини тежаш, аҳолининг давлат органлари фаолиятидан қаноатланганлик даражасини ошириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш лавқатини шакллантириш айланиб Давлат хизматлари кўрсатиш марказларидаги фаолият сифатига боғлиқ.

Қисқа муддатда Давлат хизматлари кўрсатиш Наманган вилоят марказида «Тезкор, қулай, шаффоф хизматлар» деган ибора ширга айланиб улгурди.

Куннинг иккинчи ярмида Учқўрғон туманининг чекка ҳудудларидан бири Қўғай қишлоғида Президентнинг Халқ қабулхонаси ва туман сектор раҳбарлари иштирокида ташкил этилган сайёр қабул жараёни бўлиб ўтди.

Марказларнинг хизмат машиналари билан таъминлангани, айниқса, Наманган шаҳар Давлат хизматлари марказининг махсус автобусидаги замонавий ахборот коммуникация технологиялари орқали қишлоқ аҳолига хизмат кўрсатилаётгани эътирофга лойиқ.

Медиа-тур якунида ўтказилган матбуот анжуманида Давлат хизматлари марказидаги қулайликлардан фойдаланишга аҳолини янада кенг жалб этиш ва бу борада тарғиботнинг таъсирчан усулларини илгари суриш масалалари бўйича маслаҳатлашилди. Аниқ режалар белгиланди.

Носиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА КУЧСИЗЛАР БЎЛМАЙДИ

Жаҳон чемпионатининг ҳар бир ўйини ҳаяжонли ва қўтилмаган натижалар билан ўтмоқда. Мана-ман деган башоратчилар ҳам лол бўлиб қолишмоқда.

Мексика терма жамоаси кўпчилик учун қўтилмаганда амалдаги жаҳон чемпиони Германия терма жамоасини 1:0 ҳисобида мағлуб этди. Бразилия терма жамоаси эса 1978 йилдан сўнг илк бор мусобақанинг биринчи ўйинида галаба қозона олмади. Бразилия — Швейцария терма жамоалари дуранг (1:1) ўйнади.

Бу натижалар жаҳон чемпионатида кучсизлар бўлмаслигини яна бир бор тасдиқламоқда.

Бугун жаҳон чемпионати гуруҳ босқичининг уч учрашуви бўлиб ўтади. Тошкент вақти билан соат 17:00 да Колумбия — Япония, соат 20:00 да Польша — Сенегал терма жамоалари майдонга тушади. 23:00 да Россия — Миср терма жамоалари куч синашади. Ушбу ўйинда Муҳаммад Салоҳ майдонга тушиши қўтилоқда. Шифокорларнинг айтишича, унинг жараҳати деярли битган.

Эртага эса соат 17:00 да Португалия — Марокка, 20:00 да Уругвай — Саудия Арабистони, 23:00 да Эрон — Испания учрашувлари бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.



ЭЪЛОН!



«Шўртангаз кимё мажмуаси» МЧЖ

махсус рухсатномага эга ишлатилган люминесцент лампаларни хавфсиз зарарсизлантириш фаолияти билан шуғулланувчи ташкилотлар ўртасида мажмуага қарашли объектларда 2018 йилда ҳосил бўлган ишлатишга яроқсиз (қуйган) люминесцент лампаларни ўрна-тилган тартибда хавфсиз зарарсиз-лантиришни амалга ошириш учун 2018 йил июль ойида очик танлов савдолари ўтказилишини маълум қилади. Танлов шартлари ҳақида тўлиқ маълумот билан мажмуа-нинг интернет тармоғидаги расмий веб-сайти www.sgcc.uz да таниши-шингиз мумкин.

Тижорат таклифлари қуйдаги манзиллар бўйича қабул қилинади.

Манзил: Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан кўрғони.

Факс: (0375) 552-40-16

Эл.почта: sgcc@sgcc.uz

Маълумот учун телефон: (0375) 552-41-21

РЕКЛАМА

QQB QISHLOQQURILISHBANK



- ✓ Замонавий
- ✓ Қулай
- ✓ Тезкор

«Қишлоққурилишбанк»
«ONLINE КОНВЕРСИЯ»
хизматини таклиф этади

• Банкимизнинг сўм пластик карточкаларига эга мижозлари ўзларининг VISA халқаро тўлов карточкаларига чет эл валютасини онлайн режимида конверсия қилиш имкониятига эгалар.

• Мазкур амалиёт «QQB-mobile» мобил иловасини интернет тармоғидан юклаб олган ҳолда, пластик карточкани рўйхатдан ўтказиш орқали бажарилади.

«Қишлоққурилишбанк» — фаровон ҳаётингиз вилотида!

(+99871) 150-93-39, 150-76-47

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

O'ZBEKISTON OVOZI

MUASSIS:



Bosh muharrir: Safar OSTONOV

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

TAHRIIR HAY'ATI:

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

Reklama va e'lonlar uchun — 233-47-80, 233-38-55

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 638. 11092 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari
o'za yakuni — 21:35.
Topshirilgan vaqti — 00:30.

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Bardambek SA'DULLAYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

4 770 2010 763008

Газетанинг электрон савҳифасига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

1 2 4 5 6